



“Тасдиқлайман”
«Taxiatosh IES» АЖ
Техник директори в.в.б.
Т.А. Бабажанов
” 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Тахиаташ – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ

- 1.1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ техноген хавфи юқори бўлган зона кадастр паспортини ишлаб чиқиш.
- 1.2 Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.
- 1.3 Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2023 йил 1 чорак.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. “Taxiatosh IES” АЖ (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тахиаташ тумани, 1-сонли почта бўлиси, «Taxiatosh IES» АЖ.

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов «Taxiatosh IES» АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
 - Иштирокчи шу соҳада иш тажрибасига эга бўлиши керак;
 - Давлат саноат хавфсизлиги қўмитасининг стратегик хавфли ишлаб чиқариш объектларида техноген хавфи юқори бўлган зона кадастр паспортини ишлаб чиқишга рухсатнома;
 - техноген хавфи юқори бўлган зона кадастр паспортини ишлаб чиқиш бўйича ходимларнинг малакаси тўғрисидаги гувоҳнома.
 - Ишларни бажариш учун асбоб ускуналар, дастгоҳлар ва асбобларнинг мавжудлиги.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:
 - Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- Мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
 - Техник таклиф, корхона бланкасида имзоланган пдф формат шаклида, бетлари рақамланган ҳолда;
 - Техник ҳужжатлар рўйхати (техник паспорт ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
 - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ҳамда илова қилиниши лозим.
- 4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;
- 4.6. Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.
- 4.7. Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар

эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузди:

Техник директорнинг эксплуатация

бўйича ўринбосари

ИЧТБ бошлиғи

МХТХ бошлиғи

Нурымбетов М.О.

Бабажанов Ю.

Матякубов И.